

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 20 ноябрь, № 226 (5646) Сешанба


## Брюсселда бўлиб ўтган тадбир муҳим мавзуга бағишланди

*Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегациясининг аъзолари, Бельгиянинг жамоатчилик, сиёсий, эксперт, ишбилармон доиралари ҳамда Европа Иттифоқи, НАТО, Брюсселда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*




Тадбир чоғида қатнашчилар эътибори мустақил ривожланиш йилларида юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида эришилган муваффақиятларга қаратилди. Брифингда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда эркинлиги устуворлигини, шунингдек, тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш сингари мақсадларга эришишнинг кафолати бўлган Ўзбекистон Конституцияси мамлакат тараққиёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилаётгани айтиб ўтилди.

Маросимда Ўзбекистон ўзи танлаган ривожланиш ва ижтимоий тараққиёт йўли, халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган ислоҳотларнинг "Ўзбек модели"ни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш давомида эришилган муваффақиятлар демократик ўзгариш ва янгиланишларнинг асоси эканлиги ҳамда улар мамлакатимиз Конституцияси меъёрларига тўла мос келиши таъкидланди.

Брифингда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Ниғматилла Йўлдошев мустақил Ўзбекистон Конституцияси сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳаётнинг барча соҳаларини, шунингдек, мамлакат ташқи сиёсатининг ҳуқуқий бошқарилиши тамойилларини қонун йўли билан мустаҳкамлагани ва қонун ижодкорлиги фаолияти учун асос ҳамда миллий ҳуқуқий тизимнинг ўзаги бўлиб қолганини алоҳида таъкидлади. У ўтган 20 йил мобайнида Конституцияга мувофиқ кўпгина қонунчилик актлари қабул қилингани, халқаро меъёрларнинг миллий қонунчиликда қўлланилиши механизми яратилгани, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими шакллантирилгани, шунингдек, 200 дан зиёд кўп томонлама халқаро шартномалар ратификация қилинганини айтди.

(Давоми 2-бетда).

### Анжуман

*Тошкентда "Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришнинг миллий модели: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан БМТ ҳамда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Конференцияда Германия, Жанубий Корея, Исроил, АҚШ, Швейцария ва Япониядан экспертлар, Ўзбекистон парламенти аъзолари, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва мамлакатимизда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда истиқлолнинг дастлабки кунларидан мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ўз йўлини танлаган Ўзбекистон ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани таъкидланди. Бу борада амалга оширилаётган демократик туб ўзгаришлар асосини Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг машҳур беш тамойили ташкил этади. Бунда инсон ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинлиги ҳимоя қилинадиган, унинг салоҳиятини юзага чиқариш учун қулай шарт-шароитларни таъминлайдиган кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш устувор йўналиш деб белгиланган.

Давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш билан бирга фуқаролик институтларини ривожлантириш, фуқароларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини бажаришда фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар очиб бераётган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ушбу йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мақсади, вазифалари ҳамда мазмун-моҳиятини белгилаб берган асосий қонун ҳисобланади. Унда давлатнинг жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаши, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериши мустаҳкамланган.

(Давоми 2-бетда).

## Юксак билим ва тафаккур

### хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини оширади

*Юртимизда хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг оилада, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга зарур шарт-шароитлар яратилиб, бу борада кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. Ўз навбатида, аёлларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва рағбатнинг самараси ўлароқ, бугун уларнинг юртимизда кечаётган изчил ислоҳотлар жараёнида, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги иштироки сезиларли даражада ортмоқда.*

### Аёл. Оила. Жамият

Шубҳасиз, улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Навоий вилояти тараққиётида ҳудудимиз хотин-қизларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш, ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашда уларнинг юксак ҳуқуқий ва сиёсий билим ҳамда малакага эга экани муҳим роль ўйнамоқда.

Навоий вилоятида истиқомат қилаётган 883 минг 257 нафар аҳолининг 435 минг 936 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг 50 мингдан ортиғи вилоят саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилмоқда. Кўпчилик хотин-қизларимиз ўз фермер хўжаликлари ва кичик корхоналарига эга. Шуниси қувонарлики, бугун орамизда қанчадан-қанча фан номзодлари, шоиралар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар, қўли гул ҳунарманд аёллар бор. Эътиборлиси, аёлларимиз нафақат жамиятимиз таянчи, балки ўз оилаларининг кўрки, фарзандларининг бахту камолига масъул ҳамдирлар.

Маълумки, 2004 йилда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига сиёсий партиялар томонидан депутатликка кўрсатиладиган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши ҳақидаги норма киритилди. Бу эса аёлларга берилаётган эътиборнинг юксак намунасидир. Улар мана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда ўзларининг сиёсий билимини доимий равишда ошириб, юртимизда кечаётган изчил ислоҳотлар жараёнида фаоллик кўрсатиб келаяпти. Маҳаллий вакиллик органларида эса улар барча депутатларнинг вилоятимиз миқёсида 22 фоизини, туман ва шаҳарларимизда 20 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, вилоятимизда 15 мингга яқин аёллар сиёсий партияларга аъзо. Кўриниб турибдики, айни чоғда хотин-қизларимизнинг сиёсат майдонидаги ўрни тобора ортиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**● Тошкентда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-логистикани ривожлантириш ассоциацияси билан ҳамкорликда бизнес форум ташкил этилди. Европа Иттифоқининг "Транспорт ва логистика соҳасида ISO стандартлари ва бошқарув сифати" лойиҳасининг якуний тадбири доирасида бўлиб ўтган ушбу форумда ISO 9001 ва умуман, бошқарув тизимларини жорий этиш билан боғлиқ афзаллик ҳамда имкониятлар ҳақида сўз борди.**

● Пойтахтимиздаги "Истиқлол" санъат саройида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" мавзуида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллиги ҳамда мамлакатимизда корейс миллати вакиллари истиқомат қилаётганининг 75 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани, корейс миллати вакиллари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этаётгани алоҳида таъкидланди. Таниқли санъаткорлар ва корейс бадиий жамоалари иштирокидаги концерт дастури кечага ўзгача файз бағишлади.

**● "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси томонидан ўтказиб келинаётган "Йил аёли" миллий кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда ижодий беллашувнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган аёллар ўз билим ва касб маҳоратини синовдан ўтказдилар. Якунда вилоят Ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази раиси Матлуба Бозорова мутлақ ғолиб, деб топилди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Маҳаллийлаштириш дастури:

# Беқиёс имкониятлар ва самарадорлик

**Парфюмерия саноати ҳақида сўз кетганда, кўз олдимизга, авволо, хорижнинг дунёга машҳур компания ва фирмалари ёрлиғи туширилган сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар келади. Айниқса, бу борада Европа мамлакатлари ҳали-ҳануз пешқадамликни қўлдан бермай келаётгани ҳеч кимга сир эмас.**

**Шунга қарамай, кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, хусусан, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида рўёбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳалар шарофати туфайли ана шундай маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётгани қувонарлидир.**



Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Пировардида ички бозорда истеъмолчиларга таклиф этилаётган импорт ўрнини босувчи, экспортбоп пардоз ҳамда шахсий гигиена воситаларининг турлари тобора кўпайиб бораяпти.

Бунда Наманган туманидаги "Unilever chemical" Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхонаси жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Икки йил аввал 691 минг 228 АҚШ долларилик сармоя эвазига рўёбга чиқарилган мазкур лойиҳа айни пайтга келиб ўзини тўлиқ оқлади. Бу ерда хориж технологияси асосида дастлаб атирсовун ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бўлса, кейинги йили унинг қаторига шампунь, суюқ совун ва бошқа маҳсулотлар ҳам қўшилди. Эътиборлиси, сифати жиҳатидан хорижники билан бемалол рақобатлаша оладиган бу маҳсулотларнинг барчаси қисқа фурсатда ички бозорда ўз ўрнини топди.

— Фаолият бошлашимиз билан маҳаллийлаштириш масаласини кун тартибига қўйгандик, — дейди қўшма корхона директори Аҳмаджон Муҳиддинов. — Масалан, илгари шампунь тайёрлаш учун зарур хом ашёнинг 90 фоизи хориждан келтирилар эди. Изланишлар натижасида уни ўзимизда тайёрлашни ўзлаштирдик. Эндиликда ушбу маҳсулот таркибидаги маҳаллий хом ашё миқдори 70 фоизга етди. Суюқ совун ва бошқа воситалар тайёрлашда ҳам ана шундай фикр юритиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## Замонавий инфратузилма, истиқболли лойиҳалар

*Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида вилоятда замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш масаласига тўхталиб, келгусида мазкур соҳадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.*

### Бунёдкорлик

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Хоразм воҳасида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Амударё узра барпо этилган бир эмас, иккита — муҳташам "Мискин — Тошсақа" темир йўл ва автомобиль кўприги ҳамда "Беруний — Урганч" дарё кўприги вилоятдаги ўта муҳим иқтисодий-ижтимоий масалаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда ҳам вилоят ҳудудидан ўтган халқаро ва давлат аҳамиятига молик 230 километрдан ортиқ автомобиль йўлларида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, 750 метр узунликдаги 5 та кўприкни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қарийб 322 миллиард сўмлик юмушлар бажарилаяпти. "Бухоро — Нукус" автомобиль йўлининг вилоятни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи 60 километрлик қисми қуриб битказилди. Жорий йил охиригача мазкур йўналишда яна 40 километрлик йўл бунёд этилиб, фойдаланишга топширилади. Умуман, келгуси беш йилда вилоят бўйича йўл инфратузилмасини ривожлантириш учун 450 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтириш кўзда тутилаётгани бу борадаги режалар нечоғли салмоқли эканлигини кўрсатиб турибди.

Бундай улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширишда "Хоразмавтойўл" жамоасининг ҳам хизмати ва ҳиссаси катта. Ҳозир ушбу корхона жами 7219 километрдан зиёд автомобиль йўлларини соз сақлаш, таъмирлаш, янгиларини қуриш, йўл иншоотларини жиҳозлаш ҳамда йўл бўйиларини ободонлаштириш бўйича фаолият олиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, Хоразм йўллари бошқа жойлардагидан бирмунча фарқ қилади. Чунки воҳада сув сатҳи ер юзасига жуда яқин жойлашган. Шу боис йўллар баланд кўтарилган юмшоқ тупроқ устига қурилади. Бундан ташқари, вилоятда мазкур соҳа учун муҳим хом ашё ҳисобланган норудавий база йўқ. Яъни уларнинг барчаси республикамизнинг бошқа ҳудудларидан ташиб келтирилади. Масалан, чақилган тош Жумуртов ва Қоратовдан, хом нефть ҳамда битум Сурхондарё вилоятидан олиб келинади. Шунга қарамай, хоразмлик йўлсозлар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бекаму кўст адо этиб келмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## КИЧИК БИЗНЕС МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

***2012 йилнинг январь — сентябрь ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига республикамиз тижорат банклари томонидан қиймати***

**4,2 триллион сўмлик кредитлар ажратилди.**

Иқтисодиётимизнинг мазкур соҳасини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш борасида кўрилган бундай чора-тадбирлар ишбилармонлик ҳаракатини янада тараққий эттириб, унинг ишлаб чиқариш, саноат, савдо, қурилиш, экспорт ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги улушини оширишда муҳим омил бўлди.

# Брюсселда бўлиб ўтган тадбир муҳим мавзуга бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов ўз чиқишида мамлакатимиз Конституциясининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларига атрофлича тўхталди.

У Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон Конституциясининг ишлаб чиқилиши, муҳокама этилиши ҳамда қабул қилинишидаги ўзига хосликлар ҳақида фикр юритар экан, Конституциявий комиссия томонидан ишлаб чиқилган мазкур муҳим ҳужжат лойиҳаси кенг халқ муҳокамасидан ва халқаро ташкилотлар ҳамда ривожланган демократик мамлакатларнинг экспертлари томонидан ижобий баҳоланганидан кейин қабул қилинганини, Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз Асосий Қонунининг ташаббускори ва муаллифи бўлиб қолганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, Конституция ривожланишининг биринчи босқичида ижро ҳокимияти кучайтирилди. Қонунчилик ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим бўлган қарорларнинг ишлаб чиқилишида сиёсий партияларнинг ролини ошириш, уларнинг ижросини, шунингдек, вазминлик ва маромийлик тамойилининг ҳаётга изчил татбиқ қилинишини таъминлаш эса иккинчи босқич янгиланишининг асосий йўналиши бўлди.

Ўтган йиллар давомида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида парламентнинг ролини кучайтириш масалаларига муҳим аҳамият берилгани, икки палатали парламентнинг яратилгани ҳамда давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг роли кучайгани бу фикрни тасдиқлаши алоҳида таъкидланди.

Брюссель Эркин университети профессори Жак Вилрокс мамлакатимиз хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистонда бўлган чоғида юртимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган муваффақиятлари билан яқиндан танишиш ва уларни баҳолаш имкониятига эга бўлганини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, мамлакатда тарих ва замонавийлик ҳайратланарли даражада уйғунлашиб кетган, ўзбек халқи эса ўқимишли, ўзига ишонадиган, очиқ кўнгилли халқдир.

"Ўзбекистон бугунги кунда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, асосий қадрияти ва устуворлиги инсон бўлган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан ишонч билан бормоқда. Мамлакатнинг Конституцияси давлат тараққиёти ва демократик ривожланишининг гаровидир", деди у.

Шунингдек, эксперт Ўзбекистоннинг ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, коррупция, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга йўналтирилган изчил саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди. У Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларига кўмаклашиш" лойиҳасининг ҳаётга татбиқ қилиниши жараёнларини ҳам ижобий баҳолади. Маълумки, мазкур лойиҳада Европа давлатларининг суд-ҳуқуқ тизимидаги илғор тажрибаси ўз аксини топган. Бельгиялик олимнинг таъкидлашича, минтақада ўта муҳим аҳамият касб этадиган Ўзбекистон демократик ўзгаришларни рўёбга чиқариш борасида салмоқли муваффақиятларга эришди.

Европа Халқаро муносабатлар институтининг Геосиёсат департаменти бош директори Пьер-Эммануэль Томанн мамлакатимизда жамиятни янада демократлаштириш масалаларига қаратилаётган эътибор хусусидаги фикрларини ўртоқлашди. У "Ўзбек модели" асосида мамлакат келажагини қураётган Ўзбекистоннинг ривожланиш жараёнларини диққат билан кузатиб боришини билдирди.

Европалик экспертнинг фикрича, таълим соҳасидаги кенг қамровли ислоҳотлар мамлакат раҳбариятининг юқори малакали миллий кадрларни тайёрлашга қаратаётган эътиборидан далолат берадики, улар ҳозирнинг ўзидаёқ давлат тараққиётига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшаётирлар.

Пьер-Эммануэль Томанн Ўзбекистоннинг барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган сиёсатини ҳам ижобий баҳолади. Шу маънода, эксперт мустақилликнинг 21 йили мобайнида мамлакат нафақат ўз хавфсизлигини таъминлагани, балки у бутун минтақа барқарорлигининг кафолати бўлиб қолганини ҳам таъкидлади.

Шунингдек, европалик олим Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганидан буён эришилган муваффақиятлар демократик жамият қурилишига йўналтирилган чуқур ўйланган давлат сиёсатининг натижаси эканлигини айтди.

Бельгиялик эксперт, профессор Хилбрен Иеде Бойс "илғор хорижий тажриба ҳамда ўзбек халқининг бой тарихий ҳуқуқий мероси ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Конституцияси мамлакатга дунёнинг етакчи давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга имкон берганини" айтди.

Экспертнинг таъкидлашича, мамлакат Асосий Қонунида инсон ҳуқуқлари масалаларига устувор эътибор қаратилгани Ўзбекистоннинг демократия тамойилларига асосида ривожланишга бўлган содиқлигидан далолат беради. "Ўзбекистон Конституцияси замонавий демократик жамият қуриш учун намуна сифатида хизмат қилиши мумкин", деди у.

Тадбир иштирокчилари билдирган фикрларга қараганда, бўлиб ўтган брифинг Ўзбекистон Конституциясининг ўзбек халқи онгу шуурида жой олганини, у эса мамлакат тараққиётини, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаш йўлидан боришини таъминлаётганини яққол намойиш этди.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель



## Маҳаллийлаштириш дастури:

# Беқиёс имкониятлар ва самарадорлик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда корхонада 70 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Яқинда улар қаторига ювиш ишларида фойдаланиладиган гель воситаси ҳам қўшилди. Айтиш керакки, шахсий гигиена ва тозалик ашёлари ишлаб чиқариш ўзига хос шароит ва тажриба талаб қилади. "Unilever chemical"даги имконият ҳамда мутахассислар малакаси бу борада халқаро андозаларга тўла жавоб беради. Бу ерда меҳнат қилаётган 20 нафар ишчи-мутахассиснинг 10 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Жорий йилнинг ёзида жамоа сафига қўшилган ана шу ёшларнинг барчаси янги касб сирларини тезда ўзлаштириб олишди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар натижасида қўшма корхонанинг савдо тармоқларига чиқараётган маҳсулоти ҳажми муттасил кўпайиб бораяпти. Масалан, бу кўрсаткич фаолиятнинг дастлабки йилида 272,3 миллион сўмликни ташкил этган бўлса, ўтган йил охирига келиб 314,2 миллион сўмликка етди. Жорий йилнинг тўққиз ойида эса 323,9 миллион сўмлик тозалик ашёлари ишлаб чиқарилиб, 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб икки баробар ўсишга эришилди.

Ишлаб чиқаришга юқори технологияни жорий этиш, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтиришга хизмат қилаётган бу сингари истиқболли лойиҳалар вилоят иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида вилоятдаги 19 корхонада 30 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори эса 33,6 миллиард сўмликни ташкил этди. Умуман олганда, бугунги кунга келиб, Наманганда нефть ва газ саноати учун мўлжалланган қуйма задвижкалар, спорт жиҳозлари, лок-бўёқ маҳсулотлари, автомобиллар учун юқори босимли газ баллонлари, бутловчи қисмлар сингари юздан ортиқ маҳсулотнинг "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида тайёрланаётгани барчамизда фахр-ифтихор уйғотади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Замонавий инфратузилма, истиқболли лойиҳалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда "Хоразмавтойўл"нинг Жумуртов тош ишлаб чиқариш ва Урганч асфальт-бетон тайёрлаш цехларини модернизация қилиш ишлари бошлаб юборилган. Бу юмушни ниҳоясига етказилгач, тош ва асфальт маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми уч баробаргача ортади.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан 19,6 миллиард сўмлик иш бажарилиб, 38 километр йўл тўла ва ўрта, 42 километр йўл жорий таъмирланди. Урганч шаҳри кўчаларида 9,5 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бинобарин, йўлларга хавфсизлик чизиқлари тортиш, йўл четларига тўсиқлар қўйиш, кўчалар ён-атрофини кўкаламзорлаштириш вазифалари ҳам алоҳида эътиборда.

— Иш унумини оширишда замонавий техникалар қўл келади, — дейди "Хоразмавтойўл" ташкилоти раҳбари Мансур Раззақов. — Шу сабабли айни пайтда Жанубий Кореянинг "Спеко" русумли асфальт ишлаб чиқариш қурилмаси, Германиянинг "Фогель" русумли асфальт ётқизиш, "Дунапак" ва "Хам" русумли асфальт зичлаш техникалари, "Стереус" русумли самосвалларидан самарали фойдаланаяпмиз. Йил охиригача яна 7 та янги техника воситаси келтирилиши режалаштирилган. Бу эса йўлларимизнинг янада равон ва кўркам бўлиши учун қўшимча имкониятлар яратилади, демакдир.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

# Хавфсизликни таъминлашнинг асосий шарти

*Гидротехник иншоотлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, экологик барқарорлигини сақлашда ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун республикамизда уларнинг техник ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича яхлит тизим яратилган.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган йиғилишда соҳада амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Унда "Ўздавсувназорат" инспекцияси раисининг "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун ва унинг асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига оид ахбороти эшитилди.

Тадбирда қайд этилганидек, юртимизда гидротехник иншоотлардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашда белгиланган шарт ва талабларга риоя этилмоқда, шу бўйича тегишли ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Тегишли ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, бундай объектларнинг назорат қилиниши синфларга кўра амалга оширилади. Жумладан, I, II, III синф бўлган гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва бехатар ишлаши устидан назорат қилиш "Давсувхўжаликназорат" инспекцияси, III синфдан паст бўлганлари эса Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекэнерго" ДАК ва бошқа идора ҳамда ташкилотлар зиммасига юклатилган.

— Ҳозир 273 та йирик ва ўта муҳим сув хўжалиги иншоотлари "Ўздавсувхўжаликназорат" инспекцияси назоратига киради, — дейди инспекция раиси Н. Эрназаров. — Улардан 50 таси сув омбори, 35 таси насос станцияси, 29 таси гидроэлектростанция, 60 таси магистрал канал, 64 таси гидроузел, 24 таси магистрал коллекторлардир. Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталари томонидан олдинги мониторинг натижаларига оид қўшма қарор асосида инспекция томонидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Хусусан, унинг ижроси доирасида Наманган, Тошкент вилоятлари, Термиз, Қарши, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ҳудудий семинарлар ўтказилди. Бу эса ишлар самарадорлиги ва ходимлар масъулиятини оширишга хизмат қилди. Шулар билан бир қаторда, инспекция қошида эксперт кенгаши ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига Қишлоқ ва сув хўжалиги, Фавқулодда вазиятлар, Молия вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзгидромет", илмий тадқиқот институтлари мутахассислари жалб этилган. Кенгаш гидроиншоотларнинг техник ҳолати ва хавфсизлиги билан боғлиқ муҳим масалаларни кўриб чиқади. Инспекциянинг диагностика марказлари юқори технологияли замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Айни чоғда 35 та гидроиншоот — сув омборлари, гидроузеллар ва насос станцияларида хавфсизлик мезонлари ишлаб чиқилган ҳамда улардан фойдаланиш устидан доимий назорат ўрнатилган.

Ҳозирги кунда алоҳида сув омборларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, тўғонлар ва қирғоқларни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда. Кадрлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда Осиё тараққиёт банки ва Япония сув агентлиги билан ҳамкорликда тўғонлар хавфсизлигини бошқариш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, улардан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, тиклаш, консервациялаш ва тугатишда хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятларни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиши таъкидланди.

— Мазкур Қонун 1999 йилда кучга кирган, — дейди депутат Ў. Отақулов. — Ўтган давр мобайнида эса 15 та қонуности ҳужжати қабул қилинди. Қўмитамиз томонидан уларнинг бажарилиши доимий таҳлил қилиб келинмоқда. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, жабҳанинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш давр талабидир. Чунки сўнгги йилларда ташкилотларнинг моддий-техник базаси модернизациялаштирилиб, уларга илғор қурилмалар ва ускуналар, янги технологиялар татбиқ этилмоқда. Шу ва бошқа омиллар амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритишни тақозо этмоқда. Тегишли қонунчилик ҳужжатлари маромига етказилиши эса гидротехника иншоотларини узоқ вақт ишлатиш ва сув ресурсларидан узлуксиз равишда оқилона фойдаланиш учун ҳам зарур ҳуқуқий шароитларни яратади.

Тадбир давомида сиёсий партиялар ва Экоҳаракат депутатлик гуруҳи аъзолари ўзларининг дастурий мақсадлари ҳамда вазифаларидан келиб чиқиб, позицияларини билдирдилар. Мазкур фикр-мулоҳазалар эса қонун лойиҳасини такомиллаштиришда айни муддаодир, албатта.

**С. МАХСУМОВ.**

# Юксак билим ва тафаккур

## хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини оширади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Барчага аёнки, айни пайтда хотин-қизларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида сиёсий партиялар ҳузурида "Аёллар қаноти" ташкил этилган. Қўмитамиз улар билан ҳамкорликда изчил фаолият юритмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида "Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида", "Миллий қадрият — олий неъмат", "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" каби мавзуларда кўплаб тадбирлар ўтказилдики, бу, ўз навбатида, аёлларнинг ўзига, иқтидорига, бошқарув қобилиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Президентимиз томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида демократлаштириш жараёнларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган бир қатор муҳим концептуал ғоялар илгари сурилди. Шунингдек, ушбу дастуриламал ҳужжатда ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш фурсати етганлиги алоҳида таъкидланди. Зотан, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро яқин муносабатлари, шубҳасиз, ислоҳотларимиз ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади.

Шу маънода, қўмитамиз вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қатор ижтимоий-сиёсий тадбирларни ўтказиб келмоқда. Шунингдек, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси билан биргаликда ташкил этаётган тадбирларимиз ҳам ўз самарасини бермоқда.

Мухтасар айтганда, бугун хотин-қизлар мамлакатимизда демократик тамойиллар қарор топишида, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларида илғор кучлардан бири сифатида ўзларини намоён қилмоқдалар. Мазкур шиддатли жараён уларнинг салоҳияти, ҳаётий тажрибаси, билими, тафаккури, жонбозлик, жонкуярлик, куюнчаклик ва фидойилик хислатларидан янада унумлироқ фойдаланиш лозимлигини талаб этади. Бу айни чоғда мамлакатимиз ҳудудларида хотин-қизлар қўмиталари ҳисобот-сайлов конференцияларининг уюшқоқлик билан ўтишига хизмат қилади.

**Анора БОБОМУРОДОВА,**
**Навоий вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Конституцияда белгиланган қоидаларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Жамоат фондлари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг кафолатлари, мамлакатимизни босқичма-босқич ривожлантиришга доир ижтимоий муҳим вазифаларни ҳал этишда уларнинг саъй-ҳаракатлари ва ресурслари бирлаштирилишини таъминлади.

Хорижлик экспертлар Ўзбекистонда ушбу демократик жараённи давлат томонидан рағбатлантиришнинг ўзига хос тизими қўлланилаётганини таъкидладилар. Масалан, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. 2008 — 2012 йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва бошқа фуқаролик институтларига ўз ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини амалга оширишлари учун давлат бюджетидан мазкур фонд орқали 22,4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бу маблағларни грант танловларини ўтказиш, субсидиялар ажратиш ва ижтимоий буюртмаларни жойлаштириш орқали тақсимлаш механизми ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда бугун кўплаб ижобий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган фуқаролик институтларининг ташаббусларини бундай қўллаб-қувватлаш асосида соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни ошириш, баркамол авлодни тарбиялаш соҳаларида юзлаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Сўнгги йилда давлат дастурини рўёбга чиқаришда иштирок этаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони қарийб икки бараварга кўпайди.

"Мамлакатингизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича халқаро амалиётда маълум барча воситалар қўлланилмоқда, — деди Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг "Бандликни таъминлашда ижтимоий шериклик" лойиҳаси раҳбари Яна Чичерина. — Бундан ташқари, Ўзбекистон парламенти ҳузурида ННТлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фонд ҳам ташкил этилган. Барча зарур меъёрий-ҳуқуқий база ишлаб чиқилган. Энг муҳими, ушбу ижобий жараён фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда изчил давом эттирилмоқда. Фуқаролик институтлари мамлакатда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни юритишда фаол иштирок этмоқда. Мисол учун, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган кўплаб бандлар ННТлар томонидан амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси ўзига хос тажрибадир ва уни, албатта, ўрганиш лозим".

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. "Маҳалла" жамоат фонди, "Нуроний", "Sen Yolg'iz Emassan", "Соғлом авлод учун" жамғармалари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари аҳоли турли қатламлари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 6 мингдан зиёд ННТ фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг сони тобора кўпаймоқда. Ўз аъзоларини ташкилий, молиявий ва моддий қўллаб-қувватлашнинг турли шакл ҳамда механизмларидан фойдаланаётган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси давлат бошқаруви органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда. Фуқароларнинг 10 мингдан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам жойлар ва ҳудудларда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни ривожлантириш ҳамда амалга оширишга катта ҳисса қўшаётир. Фуқаролик жамиятининг оммавий ахборот воситалари каби муҳим институти ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 1250 дан зиёд оммавий ахборот воситаларининг аксарияти нодавлат ҳисобланади. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот соҳасини демократлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

"Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда ва булар алоҳида эътиборга лойиқдир, — деди Европа "Сохнут" агентлигининг Марказий Осиё мамлакатларидаги ваколатхонаси раҳбари Идан Пейсахович. — Фуқаролик жамияти ва унинг институтларини янада ривожлантириш мақсадида давлат ва ҳукумат билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам муҳим вазифаларни бажармоқда. Муҳими, бу ишларда халқаро тажрибадан кенг фойдаланилмоқда. Бу борада Ўзбекистон тўғри йўлдан бораётганига ишончим комил. Бизнингча, Ўзбекистон тажрибаси ғоят қизиқарли бўлиб, уни Исроилда ҳам қўллаш мумкин".

Шу билан бирга, конференцияда фуқаролик жамиятини шакллантириш узоқ ва узлуксиз жараён бўлиб, унинг муваффақияти, биринчи навбатда, одамлар дунёқарашини кенгайтириш ҳамда тафаккурини ўзгартиришга, демократик қадриятлар уларнинг онги ва ҳаётида қанчалик мустаҳкам ўрин эгаллашига боғлиқ экани таъкидланди.

Хорижлик экспертларнинг қайд этишича, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтишга қаратилган ва пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилаётгани натижасида Ўзбекистонда бугун "учинчи сектор" шаклланиб, самарали фаолият кўрсатмоқда, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизим яратилган ҳамда уларнинг мустақил фаолият юритиши таъминланмоқда.

Иштирокчилар ўз чиқишларида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ҳаётга татбиқ этилиши ушбу муҳим соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берганини қайд этди.

Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари Норберт Жюстеннинг фикрича, "Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг истиқболли модели ишлаб чиқилган. Мамлакатингизда фаолият кўрсатаётган минглаб ННТлар фуқаролик жамияти ва давлат ўртасида ижтимоий шериклик учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Бу борада мақсадли қонунчилик такомиллаштирилаётгани ҳам ниҳоятда муҳимдир. Президентингиз томонидан илгари сурилган ва мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган концепцияга мувофиқ қатор янги қонунлар ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий майдонни янада кенгайтиришга хизмат қилади".

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Концепцияда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, уларнинг ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш, давлат ҳамда жамият қурилишида мазкур институтлар иштирокини кенгайтиришга доир тизимли чора-тадбирлар белгилаб берилган. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари илгари сурган қатор муҳим қонунчилик ташаббуслари асосида қонунлар мажмуи, хусусан, "Ижтимоий шериклик тўғрисида" ҳамда "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунлар ишлаб чиқилди.

Конференция қатнашчилари ўз чиқишларида халқаро тажриба ва мамлакатимизни жадал ривожлантириш хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ушбу қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши бу борада белгиланган вазифаларни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Масалан, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар масалаларни ҳал этиш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш кўзда тутилган. "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси эса мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият ҳамда фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган.

Тадбир иштирокчилари ҳар икки қонун лойиҳасини батафсил муҳокама этдилар. Уларнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда ижтимоий шериклик ва қонунчилик ижроси таъминланишининг жамоатчилик назорати бўйича катта тажриба тўпланган. Шунингдек, улар фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг барча жиҳатлари акс эттириладиган махсус қонунларнинг ишлаб чиқилиши жаҳон амалиётида янгилик эканини таъкидлади. Қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга барча фуқаролик жамияти институтлари жалб этилгани, мазкур лойиҳаларнинг жамоатчилик томонидан кенг муҳокама этилгани ҳам ўзига хос тажриба сифатида баҳоланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, бошқа жамоатчилик ташкилотларининг 1400 нафар вакили, шунингдек, чет эллик мутахассислар иштирокида қарийб юзта конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Қонунлар лойиҳалари муҳокамасига бағишланган мазкур тадбирлар якуни бўйича 1000 дан ортиқ таклиф умумлаштирилиб, парламент комиссияларига кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

"Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга йўналтирилган ушбу қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда эксперт сифатида мен ҳам иштирок этдим, — деди Нотижорат ҳуқуқи халқаро марказининг Марказий Осиё бўйича дастури директори Элизабет Уорнер. — Мазкур қонун лойиҳалари давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришда амалий механизмлар сифатида хизмат қилиши, янада самарали мулоқот учун муҳим омил бўлишига ишонаман. Фуқаролик жамияти институтлари мамлакатингизда ижтимоий йўналтирилган турли лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг ҳамкорлари ҳисобланади, қонунчилик базасининг такомиллаштирилиши эса бу ҳамкорликни янада самарадор бўлишини таъминлайди".

Хорижлик экспертларнинг фикрича, фуқаролик жамияти иштирокида янги қонунлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқишнинг бундай самарали механизми Ўзбекистонда одамларнинг фуқаролик фаоллиги ортиб бораётгани, уларнинг онгида жамиятимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси шаклланаётганидан ёрқин далолат беради.

Мисол учун, Нотижорат ҳуқуқи халқаро маркази вице-президенти Натали Боржеллининг (АҚШ) эътироф этишича: "Халқаро жамоатчилик Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда. Ушбу ислоҳотлар жадал тус олиб, фуқаролик жамиятининг ривожланишига кўмаклашадиган қонунчилик янада такомиллашиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бунинг учун мамлакатингизда сиёсий эркинлик мавжудлиги катта аҳамиятга эгадир. Мен "Ижтимоий шериклик тўғрисида" ва "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда бевосита иштирок этдим. Шуни айтишим мумкинки, бу қонунлар ўз мазмун-моҳиятига кўра ноёб ҳисобланади, уларда фуқаролик жамияти ва унинг барча институтларини ривожлантиришнинг муҳим асослари ифодаланган".

Конференция қатнашчилари фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ҳамда эркинлаштиришда уларнинг ролини ошириш борасида Ўзбекистон тажрибасини ҳар томонлама муҳокама этаркан, мамлакатимизда фуқаролик институтларини ривожлантиришнинг ўзига хос миллий модели яратилгани ва у юқори самара бераётганини вақтнинг ўзи тасдиқлаётганини таъкидладилар. Улар демократик қурилиш соҳасидаги мазкур тажрибани ўрганиш зарур ва ундан дунёнинг бошқа кўплаб давлатларида ҳам муваффақиятли фойдаланиш мумкин, деб ишонч билдирдилар.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбирлари.**

Молия муассасаларида

# «МИКРОКРЕДИТБАНК»:
# Барқарор ва ишончли ҳамкор

*Мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида жамият ҳаётининг барча соҳаларида рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Буни, аввалambор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.*

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда. Зотан, юртимизни янада обод этиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш долзарб вазифалардан бири этиб белгиланиб, бунда, энг аввало, оилаларнинг фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда молия муассасалари, шу жумладан, "Микрокредитбанк" ОАТБ ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2006 йил 5 майда иш бошлаган мазкур молиявий муассаса ўтган давр мобайнида мижозларнинг тўла ишончини қозонди. Банк фаолият кўламини, энг аввало, юртимизнинг чекка туманлари, қишлоқ ва овуллари аҳолисини барча турдаги банк хизматлари билан қўллаб-қувватлашга қаратгани ҳамда мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларигача кириб боргани бунда асосий омил бўлди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, банк республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига йил бошидан буён жами 177,9 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, прогноз-кўрсаткич ижроси 101,2 фоизга бажарилди. Жами кредитлар ҳисобига 95 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилгани, айниқса, эътиборга моликдир. Жумладан, янги фаолият бошлаган тадбиркорлик субъектларига ажратилган бошланғич сармоя микрокредитлари салмоғи жами микромолиявий хизматларнинг 20 фоизини ташкил этди.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда микрокредитларнинг жуда кўп қулай томонлари бор. Фоизи кам, имтиёзли. Шунингдек, бугунги кунда оилавий тадбиркорларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритмоқда. Ушбу соҳанинг муҳим жиҳати, ихчам, бозор конъюнктурасига мослашувчан. Бу эса кам маблағ билан ҳам иш бошлаш ёки ишлаб чиқариш турини ўзгартириш имконини беради.

Банк ўз хизматлари билан оилавий бизнеснинг ҳақиқий кўмакчисига айланиб улгурди. Хусусан, молия муассасаси томонидан ўтган даврда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун икки мингга яқин ёш оилага 165 миллиард сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди. Оилавий бизнесни йўлга қўйишни, ўз фаолиятини ривожлантиришни мақсад қилганлар учун эса салкам 23,5 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Самара эса ушбу рақамларда намоён: тўққиз мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, банк томонидан кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар миқдори кичик бўлса-да, ушбу хизматдан фойдаланаётган мижозлар сони юқори. Жумладан, банкнинг биргина имтиёзли микромолиявий хизматларидан фойдаланувчи мижозларнинг 56 фоизи айнан кичик миқдордаги банк бошланғич сармоясини ўз фаолиятига йўналтираётганлар ҳисобланади.

Банк, шу билан бирга, ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқаришга, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, молия муассасаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда ушбу йўналишда бир қатор тадбирларни ҳаётга татбиқ этаётир. Шунингдек, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан биргаликда "Диплом билан — бизнесга" номли ўқув-семинарлар ташкил этиш бўйича қўшма қарор имзоланди. Унга кўра, банк келгусида ёшларнинг ўз бизнесларини ташкил этиш масъулиятини тўлиқ зиммасига олади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан ҳамкорликда ҳам худди ана шундай йўналишда ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, эришилган илғор тажрибаларни оммалаштириш ва қулай бизнес муҳитини яратиш ҳамда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида "Бир тадбиркор — учта ҳамкор" акцияси ўтказилиши бўйича ҳам қўшма қарор имзоланди.

Молия муассасасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар ўрта махсус касб-ҳунар коллежи таълим бошқармалари билан ҳамкорликда ўтказаётган "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси ўзининг долзарблиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Ундан кўзланган мақсад 2011/2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш учун бошланғич сармоя микрокредитлари ажратишдир. Ушбу лойиҳага кўра, эгаллаган касб-ҳунари бўйича тадбиркорлик қилиш ниятидаги ёшларнинг манзилли рўйхати аниқланиб, уларнинг бизнес-режаларини ўз вақтида молиялаштириш чораларини кўриш мақсад қилинмоқда. Бу борада жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан 1,2 баробар кўп, яъни 6,2 миллиард сўм кредит ажратиш режалаштирилган.

Ана шундай имтиёзлардан фойдаланган тадбиркорлардан бири 19 ёшли Паризод Тўхтошевадир. У ўтган йили Хўжаобод туманидаги касб-ҳунар коллежини тамомлаб, ўқиш давомида ўрганган қандолатчилик ҳунарини амалиётга жорий этди ва ихчамгина цех ташкил қилди.

> — Ўқишни битириш арафасида кўпчилик тенгдошларим сингари энди қайси корхонага ишга кирсам экан, деб ўйлай бошладим, — дейди Паризод. — Шунда коллежимизда "Диплом билан — бизнесга" номли семинар ўтказилди. Унда "Микрокредитбанк" ходимлари тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, бунинг учун яратилган имкониятлар ҳақида тушунчалар беришди. Шу тадбир боис, бизнес-режа тузиш тартибини ўрганиб олдим. Дипломни қўлимга олган кунимоқ, қандолатчиликни йўлга қўйиш мақсадида "Микрокредитбанк"ка бордим. Тезда банк томонидан йиллик фоизи, бор-йўғи, 3 фоизли бўлган 1 миллион 600 минг сўм микрокредит ажратилди. Бу пулларга қандолатчилик учун керак бўлган печь ва жиҳозларни харид қилиб, синглим билан ишни бошлаб юбордик. Натижа эса кутганимиздан ҳам яхши бўлди. Тайёрлаган маҳсулотларимизга дарров савдо шохобчаларидан буюртмалар олдик. Шу боис яна тўрт нафар дугонамни ҳам ишга жалб қилдик.

Касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан ёшларни эгаллаган касблари бўйича тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида 9,4 миллиард сўм миқдорида сармоя йўналтирилди.

Шу ўринда бу каби ишлар халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этиб келинаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жорий йилнинг апрель ойида Амстердам шаҳрида (Нидерландия) бўлиб ўтган "Ёшларнинг молияларини ривожлантириш ташкилоти"нинг ("Child and Youth Finance International") биринчи халқаро саммити ва тақдирлаш маросимида Ўзбекистоннинг "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ёшларга молиявий хизматларни кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи ўринда эканлиги, ёшларнинг ташаббусларини молиялаш каби йўналишларни ташкил этаётган биринчи банк сифатида эътироф этилди.

Жамиятимизда шундай ҳунарлар борки, уларни аёллар меҳнатисиз тасаввур қилиш мушкул. Дейлик, тикувчилик ёки каштачилик. Яхшигина даромад келтирадиган ушбу ҳунарлар орқали ҳам оилага, ҳам эл-юртга фойда келтираётган аёлларимиз бугун жамиятнинг таянчига айланиб бораётир.

Банк ишни ташкил этишда асосий эътиборни чекка ҳудудларда тадбиркорликка қизиққан аёлларни излаб топишга, уларнинг имкониятларини аниқлаш, қайси касб ёки ҳунари билан тадбиркорлигини бошлаши ёки ривожлантириши мумкинлигига қаратди. Шу мақсадда сармоялар йўналтирди. Аёлларнинг тадбиркорлиги учун яратилган шароит, имконият ва имтиёзларни тарғиб этиш мақсадида ўқув семинарлари, давра суҳбатлари ташкил этди. Ўтган даврда "Микрокредитбанк" тадбиркор аёлларнинг ишончини қозонди ва уларнинг яқин кўмакдошига айланди.

Бундай тадбирлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Шарқ аёли" ва "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда қатор хайрли тадбирлар, лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда. Буларнинг бари ўтган даврда тадбиркор аёллар учун 104,5 миллиард сўм миқдорида молиявий кўмак кўрсатишга замин яратди.

— Гарчи туманнинг чекка ҳудудида фаолият юритсак-да, "Микрокредитбанк"нинг мададини доимо ҳис қилиб турамиз, — дейди Фориш туманидаги "For Teks" хусусий корхонаси раҳбари Бозоргул Тўраева. — Нурота тоғ тизмаларининг олис Учма қишлоғида яшаймиз. Корхонамизда жунни қайта ишлаш йўлга қўйилган. Аҳолидан жун маҳсулотлари қабул қилиб, ҳамкорларимизга калава ип ва тозаланган жун ҳамда кигизлар етказиб берамиз. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим: банкдан кредит олиб, 7 та иш ўрни ташкил этдик. Бунда, албатта, молия муассасасининг 3 фоизли кредити айни муддао бўлди.

"Микрокредитбанк" ОАТБ универсал банк сифатида иқтисодиётнинг барча соҳаларида, жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳам кенг тармоқли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари банкнинг барча хизматларидан унумли фойдаланган ҳолда йил сайин юқори рентабелли ва молиявий барқарор хўжаликларга айланиб бормоқдалар. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш мақсадида имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатмоқда. Тадбиркорлик субъектларига буюртмалар асосида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик ускуналари, замонавий тиббиёт жиҳозлари, тикув ва тўқувчилик ускуналари, транспорт воситалари, қурилиш моллари ишлаб чиқариш минитехнологиялари етказиб берилмоқда. Банкнинг кичик кредитлари ҳисобига фаолиятини кенгайтириб, доимий иш ўринлари яратишга эришган тадбиркорлик субъектлари сони ошиб бормоқда. Улар истиқболли лойиҳаларини банк билан ҳамкорликда рўёбга чиқариб, чет давлатларда ҳам ўз ҳамкорларини топишмоқда. Масалан, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида фаолият юритаётган "Didosa Paint" маъсулияти чекланган жамияти банкнинг имтиёзли ресурси ҳисобига минитехнология харид қилиб, лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мазкур кредит ҳисобига 22 та иш ўрни ташкил этилди. Бугунги кунда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Ўрта-овул" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритаётган "Асли ГМ" хусусий корхонаси банк томонидан кўрсатилган имтиёзли микролизинг ҳисобига замонавий жиҳозлар харид қилиб, бугунги кунда аҳолига кўплаб турдаги тайёр кийимлар етказиб бермоқда. 114 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган корхонанинг сифатли маҳсулотлари чет давлатларда ҳам ўз харидорларини топган. Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 81 фоизи экспортга йўналтирилмоқда.

Дарҳақиқат, "Микрокредитбанк" мижозларнинг — тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори, молиявий мададкорига айланди. Муҳими, кўплаб ташаббусларнинг юзага чиқишига кўмакдош бўлди. Қисқа фаолияти давомида банк жамоаси яратувчилик йўлида улкан марраларга эришиш, янги ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш, кенгайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида фаолият юритди. Бундан кейинги мақсадлар ҳам ана шундай — мамлакатимиз иқтисодиётини ҳар томонлама тараққий эттириш, халқ фаровонлигини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттириш.

**Банк матбуот хизмати.**


ТАКРОРАН ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

## «Ўзаэронавигация» маркази

**«Андижон» халқаро аэропортидаги электр тармоқларидан таъминланадиган Андижон ҳаводаги ҳаракатни бошқариш ҳудудий бўлинмаси объектларида АСКУЭЭ тизимини ўрнатиш учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича такроран танлов**

**эълон қилади.**

1. **Танлов шакли** — такрорий.
2. **Буюртмачи** — «Ўзаэронавигация» маркази.
   Манзил: 100167, Тошкент шаҳри, Локомотивная кўчаси, 13-уй.
3. **Танлов предмети** — «Андижон» халқаро аэропортидаги электр тармоқларидан таъминланадиган Андижон ҳаводаги ҳаракатни бошқариш ҳудудий бўлинмаси объектларида АСКУЭЭ тизимини ўрнатиш учун пудратчи ташкилотни танлаш.
4. **АСКУЭЭ тизимини ўрнатиш жойи** — «Ўзаэронавигация» марказининг Андижон ҲҲБ ҲБ объектларида.
5. **Танлов қатнашчилари учун талаблар** — танловда ушбу иш тури бўйича тегишли лицензияси ва талаб қилинган соҳада иш тажрибаси бўлган фирма ҳамда ташкилотлар иштирок этиши мумкин. Тижорат таклифлари берилганда қуйидаги маълумотлар тақдим қилинишини сўраймиз:

5.1. Фаолиятга ҳуқуқ берувчи гувоҳнома, кўрсатилган ишларни, хизматларни бажариш учун тегишли лицензия ва сертификатлар.
5.2. Ишларни бажариш қиймати ҚҚС билан ва ҚҚСсиз.
5.3. Ишларни бажариш муддати.
5.4. Бажарилган ишларга кафолат бериш.

6. Экспертиза натижаларига кўра, смета бўйича ишларнинг қиймати **ҚҚСсиз 25 751 034,00 сўм**ни ташкил этади.
7. **Маблағ ажратиш шартлари:** аванс — 15%, 85% — ҳақиқатда бажарилган ишлар бўйича.

***Қўшимча маълумотларни олиш ва танлов таклифларини юбориш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:***
**100167, Тошкент ш., Локомотивная к., 13-уй, «Ўзаэронавигация» маркази, ЕИФ ва Э бўлими.**
**Тел./факс: (+99871) 140-27-24. E-mail: Anatoliy.pak@uzairways.com**
**Андижон ш., телефон: (8-374) 222-15-57. E-mail: oleg-1954@mail.ru**

**Танлов таклифлари эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади.**

1910R/1299



«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

*(ҚҚС билан)*



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича**
Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар X42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

130R/97

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**



ТАКРОРАН ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

## «Ўзаэронавигация» маркази

**«Бухоро» халқаро аэропортидаги электр тармоқларидан таъминланадиган Бухоро ҳаводаги ҳаракатни бошқариш ҳудудий бўлинмаси объектларида АСКУЭЭ тизимини ўрнатиш учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича такроран танлов**

**эълон қилади.**

1. **Танлов шакли** — такрорий.
2. **Буюртмачи** — «Ўзаэронавигация» маркази.
   Манзил: 100167, Тошкент шаҳри, Локомотивная кўчаси, 13-уй.
3. **Танлов предмети** — «Бухоро» халқаро аэропортидаги электр тармоқларидан таъминланадиган Бухоро ҳаводаги ҳаракатни бошқариш ҳудудий бўлинмаси объектларида АСКУЭЭ тизимини ўрнатиш учун пудратчи ташкилотни танлаш.
4. **АСКУЭЭ тизимини ўрнатиш жойи** — «Ўзаэронавигация» марказининг Бухоро ҲҲБ ҲБ объектларида.
5. **Танлов қатнашчилари учун талаблар** — танловда ушбу иш тури бўйича тегишли лицензияси ва талаб қилинган соҳада иш тажрибаси бўлган фирма ҳамда ташкилотлар иштирок этиши мумкин. Тижорат таклифлари берилганда қуйидаги маълумотлар тақдим қилинишини сўраймиз:

5.1. Фаолиятга ҳуқуқ берувчи гувоҳнома, кўрсатилган ишларни, хизматларни бажариш учун тегишли лицензия ва сертификатлар.
5.2. Ишларни бажариш қиймати ҚҚС билан ва ҚҚСсиз.
5.3. Ишларни бажариш муддати.
5.4. Бажарилган ишларга кафолат бериш.

6. Экспертиза натижаларига кўра, смета бўйича ишларнинг қиймати **ҚҚСсиз 27 437 100,00 сўм**ни ташкил этади.
7. **Маблағ ажратиш шартлари:** аванс — 15%, 85% — ҳақиқатда бажарилган ишлар бўйича.

***Қўшимча маълумотларни олиш ва танлов таклифларини юбориш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:***
**100167, Тошкент ш., Локомотивная к., 13-уй, «Ўзаэронавигация» маркази, ЕИФ ва Э бўлими.**
**Тел./факс: (+99871) 140-27-24. E-mail: Anatoliy.pak@uzairways.com**
**Бухоро ш., телефон: (8-365) 225-13-01. E-mail: bertosbuh2003@list.ru**

**Танлов таклифлари эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади.**

1911R/1299



**РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР**
**ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**
**"КЧМ" ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ**

**ШУНИНГДЕК:**

Маҳсулот сертификатланган
Тўлов шакли турлича

**КАФЕЛЬ**
(девор ва пол учун)
**САНТЕХНИКА**
(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)

**ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМАРМАР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)**

**Тел.: (+99893) 546-87-45, тел./факс: 267-35-73.**
Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127
zakamsk-group@mail.ru

1260R/961



**СОТАМИЗ:**

- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:** турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.**

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.
Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

836R/566


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси Қўмита аъзоси М. Усмоновга қизи
**Саодат УСМОНОВАнинг**
вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси агентлик бош директори ўринбосари Қулмон Очиловга отаси
**Очил бобо БЕРДИЕВнинг**
вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

"O`zbektelefilm" давлат унитар корхонаси жамоаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида кўп йиллар давомида самарали ишлаб келган меҳнат фахрийси
**Абдуразак НАРХОДЖАЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти жамоаси Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири Фарҳод Зияевга укаси
**Шавкат ЗИЯЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



*Мустақиллик туфайли тарихий қадриятларимиз тикланди, кўплаб буюк алломаларимиз номи улуғланиб, уларнинг маънавий меросини тарғиб этишга кенг эътибор берилмоқда. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1994 йилда Мирзо Улуғбек, 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур, 1998 йилда Имом Бухорий, 2000 йилда Имом Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний ва бошқа кўплаб азизлар хотирасини эъзозлашга бағишланган тадбирлар ўтказилгани фикримизга далил бўла олади.*

# Бебаҳо маънавий мерос

Истиқлол берган имкониятлар туфайли илму урфонда тенгсиз ҳисобланган бобокалонларимизнинг дунё тамаддунига қанчалик катта ҳисса қўшганликларини англай бошладик. Юртимиздан шунчалик кўп буюк алломалар етишиб чиққанлигини ва бундай ҳодиса бугунгача бошқа юртлар ва халқларда учрамаслигини ҳам энди билмоқдамиз.

Дарҳақиқат, муқаддас заминимиз илм оламига энг забардаст, энг салоҳиятли алломаларни бердики, ҳозирги даврга келиб бу тарихий ҳақиқатни бутун дунё илм ва маърифат аҳли қатъият ила тасдиқ этаётир. 2000 йил 17 ноябрда Президентимизнинг махсус қарори ва ташаббуси билан Самарқандда Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги кенг нишонланди. Унда ўнлаб хорижий давлатлардан йирик олимлар, тадқиқотчилар, фан арбоблари қатнашди. Ушбу тадбир арафасида Самарқанддаги буюк алломалар мангу қўним топган Чокардиза қабристони обод этилиб, Мотуридий ҳазратларининг мақбаралари қайта қад ростлади.

Бу мўътабар сиймо ўзининг “Китоб ут-тавҳид”, “Китоб ул-таъвилот” каби ўлмас асарларида халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик ва тараққийпарварлик каби улуғ фазилатларни ёрқин намоён этгани билан ҳам бизга, айниқса, қадрлидир. Ул зот асос солган диний таълимот — Мотуридиййа мактаби Шарқ мамлакатларида катта шуҳрат топишининг

## Қадрият

сабаби, ушбу асарларда илгари сурилган ғоялар ислом динининг моҳиятини тўғрилик, эзгулик, инсонийлик деб биладиган жамики мўмин-мусулмонларнинг қарашлари ва интилишлари билан ҳамоҳанг эди. Президентимиз таъкидлаганларидек: “Буюк бобомиз яшаган даврда ҳар турли диний фирқа ва оқимлар ўртасида ғоявий қарама-қаршиликлар, зиддият ва низолар кучайиб, қонли можаролар авж олган эди. Мўмин-мусулмонлар учун бағоят хатарли ва таҳликали ана шундай бир вазиятда ҳазрати Мотуридий зўр матонат, авлодларга ибрат бўладиган фидойилик намунасини кўрсатди. Ул зот Аллоҳ таоло ўзига ато этган беқиёс ақл-заковат ва илм билан тўғри йўлдан адашган оқимларга қарши кураш олиб борди. Лекин бу курашда у ғанимларга қарши куч ишлатиб, қилич яланғочлаб жанг қилгани йўқ. Аллома бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва таъсирини йўқотмаган ҳаётбахш куч, яъни ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат йўлини танлади ва умрининг охирига қадар шу йўлда собит қолди”.

Дарҳақиқат, Имом Абу Мансур Мотуридий илмга, ислом дини тараққиётига қўшган беқиёс хизматлари учун ҳам катта шуҳрат қозонган эди.

Бу муборак зотнинг илмий-амалий фаолияти туфайли замонида турли зарарли фирқалар, гуруҳбозликлар ва бошқа иллатлар тугатилган, ислом ақидаси бир тизимга киритилиб, калом илмига ҳам асос солинган эди. Имом Мотуридий асос солган фалсафа ҳозирги давримизда ҳам жуда долзарб бўлиб, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

**Комилхон КАТТАЕВ,**
**тарихчи-манбашунос.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

# Энг кучлилар мукофотланди



Макаода Осиё Олимпия кенгаши томонидан XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришган қитъамизнинг 20 нафар спортчиси ҳамда 21 Миллий олимпия қўмитасига махсус мукофотлар топширилди.

Эътиборли жиҳати, тақдирланганлар орасида моҳир полвонимиз, эркин кураш бўйича уч карра Олимпиада ўйинлари ғолиби Артур Таймазов ҳам бор.



# Қиличбозлар беллашуви

Пойтахтимизда қиличбозликнинг шпага йўналиши бўйича ўтказилган Марказий Осиё очиқ чемпионатида вакилларимиз билан бирга Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистондан келган 30 нафардан зиёд тажрибали спортчи ўз иқтидорини намойиш этди.

Беллашувларда ҳамюртимиз, XXX ёзги Олимпиада ўйинлари қатнашчиси Руслан Кудаев олтин медални қўлга киритди. Яна бир юртдошимиз Дмитрий Филимонов эса бронза медаль билан тақдирланди.

# Нодирбек — жаҳон чемпиони



Словениянинг Марибор шаҳрида шахмат бўйича 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) томонидан ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақада 1,5 минг нафар спортчи совринли ўринлар учун баҳс олиб борди.

Саккиз ёшгача бўлганлар беллашувида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Нодирбек Абдусатторов олтин медални қўлга киритди. Жумладан, умидли спортчимиз мусобақа давомида Европа чемпиони, FIDE устаси, болгариялик Цветан Стоянов, Осиё чемпионати совриндори, эронлик Муҳаммади Арбати Пойя, шунингдек, россиялик Дмитрий Цой, украиналик Максим Горшков, финляндиялик Патрик Аалто, АҚШ вакили Йерик Ванг, Буюк Британиядан келган Адита Верма, хитойлик Юанг Янг, мўғулистонлик Урмунтулга Батаргал каби кучли рақибларини мағлубиятга учратди. Яна икки баҳсда эса дуранг натижа қайд этилди. Шу тариқа у 11 имкониятдан 10 очко жамғаришга муваффақ бўлди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Нодирбек ўтган йили Ҳиндистонда ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам ғолибликни қўлга киритганди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

## Эзгулик

# Тадбиркорнинг туҳфаси

*Қувасойликлар тадбиркор Муҳсинжон Меҳмоновни саховатпеша инсон сифатида яхши билишади. Бу бежизга эмас, албатта.*

Унинг ҳомийлигида Кокилон қишлоғида замонавий мактаб бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ушбу муассаса тадбиркор ҳиммати билан замонавий ўқув қуроллари ҳамда компьютер жамланмалари билан жиҳозланди. Ўқувчилар эса дарсликлар ва қўлланмалар билан таъминланди.

Мактабнинг биринчи синфига қадам қўйган ҳар бир ўғил-қиз учун кийим-кечак ва турли ўқув анжомлари сотиб олиш учун тадбиркор томонидан 500 минг сўмдан маблағ ажратилди. Шунингдек, М. Меҳмонов ташаббуси билан Ўриксор қишлоғилик учта кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилиб, уларнинг ҳар бири номига очилган ҳисоб рақамига 1,5 миллион сўмдан пул ажратилди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

ТАКРОРАН ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

«Ўзаэронавигация» маркази

«Навоий» халқаро аэропортидаги электр тармоқларидан таъминланадиган Навоий ҳаводаги ҳаракатни бошқариш ҳудудий бўлинмаси объектларида АСКУЭЭ тизимини ўрнатиш учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича такроран танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. **Танлов шакли** — такрорий.
2. **Буюртмачи** — «Ўзаэронавигация» маркази.
   Манзил: 100167, Тошкент шаҳри, Локомотивная кўчаси, 13-уй.
3. **Танлов предмети** — «Навоий» халқаро аэропортидаги электр тармоқларидан таъминланадиган Навоий ҳаводаги ҳаракатни бошқариш ҳудудий бўлинмаси объектларида АСКУЭЭ тизимини ўрнатиш учун пудратчи ташкилотни танлаш.
4. **АСКУЭЭ тизимини ўрнатиш жойи** — «Ўзаэронавигация» марказининг Навоий ҲҲБ ҲБ объектларида.
5. **Танлов қатнашчилари учун талаблар** — танловда ушбу иш тури бўйича тегишли лицензияси ва талаб қилинган соҳада иш тажрибаси бўлган фирма ҳамда ташкилотлар иштирок этиши мумкин. Тижорат таклифлари берилганда, қуйидаги маълумотлар тақдим қилинишини сўраймиз:
   5.1. Фаолиятга ҳуқуқ берувчи гувоҳнома, кўрсатилган ишларни, хизматларни бажариш учун тегишли лицензия ва сертификатлар.
   5.2. Ишларни бажариш қиймати ҚҚС билан ва ҚҚСсиз.
   5.3. Ишларни бажариш муддати.
   5.4. Бажарилган ишларга кафолат бериш.
6. Экспертиза натижаларига кўра, смета бўйича ишларнинг қиймати:
   — **ҚҚСсиз — 56 982 567,00 сўм;**
   — **ҚҚС билан — 68 379 080,00 сўм.**
7. **Маблағ ажратиш шартлари:** аванс — 15%, 85% — ҳақиқатда бажарилган ишлар бўйича.

*Қўшимча маълумотларни олиш ва танлов таклифларини юбориш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:*
**100167, Тошкент ш., Локомотивная к., 13-уй, «Ўзаэронавигация» маркази, ЕИФ ва Э бўлими.**
**Тел./факс: (+99871) 140-27-24. E-mail: Anatoliy.pak@uzairways.com**
**Навоий ш., телефон: (8-436) 539-36-79. E-mail: bertos.nvi@uzairways.com**

Танлов таклифлари эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади.

1912R/1299

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 8 ноябрдаги 10-1115/7955-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа автомобиль йўли, Фарҳод ва лойиҳадаги Г 30.0 м кўчалари оралиғида жойлашган, биринчи қаватининг умумий майдони 68,0 кв.м., фойдаланиш майдони 62,66 кв.м., иккинчи қаватининг умумий майдони 59 кв.м., фойдаланиш майдони 54,18 кв.м.дан иборат бўлган икки қаватли бинонинг бир қисми такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 145 980 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2012 йил 12 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 10 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-80-26.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 1920A/1441

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

«Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси»га 2013 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.



*Ахборотнома саҳифаларида:*
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари;
- хўжалик ишлари бўйича суд амалиёти тафсилотлари;
- чет эл арбитраж ва хўжалик судлари тажрибаси;
- қонунчиликни амалиётда қўллашга оид етук ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари ёритиб борилади.

Ахборотномага таҳририят орқали арзонлаштирилган нархда тўғридан-тўғри 908 ва 909 индекслари бўйича обуна бўлишингиз мумкин.

Шунингдек, «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида ҳамда «Тошкент почтамти» орқали ҳам амалга оширилмоқда.

Манзил: 100097, Тошкент ш., Чўпонота к., 6-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 277-91-66, 277-96-60, 277-25-94.

1851R/1257

БДК КОРМ «Biznes Development Konsalting» МЧЖ



қорамол, соғин сигир
*(доимий асосда),*
*шунингдек,* бройлер,
тухум қиладиган товуқ, балиқлар
*(буюртма бўйича)*
учун сифатли хом ашё ва ингредиентлардан тайёрланган,
юқори протеинли ҳамда оқсил қўшимчалари билан бойитилган

СИФАТЛИ ОМИХТА ЕМ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қипчоқ» ҚФЙ.
Телефонлар: (+99894) 601-33-00, (+99890) 901-61-11, (+99898) 363-74-09.
E-mail: bdkonsalting@mail.ru

1780R/1226

МАГАЗИН-САЛОН УМНЫЙ ДОМ

*Теперь для вас не составит труда распознать личность нарушителя или определить номер автомобиля, просматривая запись системы видеонаблюдения.*

IP камеры GeoVision для цифровых систем видеонаблюдения

- Превосходная детализация изображения.
- Сохранение высокой четкости наблюдаемых объектов при цифровом увеличении архивных записей или выводе изображения на видеостену.
- Распознавание автомобильных номеров.
- Удаленный просмотр и управление камерами через интернет или через мобильный телефон.
- Поддержка двухсторонней аудиосвязи.
- Одновременная обработка, архивирование и отображение до 4 000 камер и более.

Товар сертифицирован

238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz

1734R/1067

GidroSpetsKrovlya

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:

ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ собственного производства на стеклотканой основе.



Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Тел.: (+99893) 597-37-92, (+99890) 958-66-60, 228-20-70, факс 248-69-00.

16R/1299


# ОБ-ҲАВО (20 ноябрь)



| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | -8 -13 | -2 +3 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | -2 +3 | +3 +8 |
| Сурхондарё вилоятида | -3 +2 | +5 +10 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида | 0 -5 | +3 +8 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | 0 -5 | +3 +8 |
| Тошкент шаҳрида | -3 -5 | +3 +5 |


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 59 761 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5